



3(03)

ZAMONAVIY DUNYODA  
AMALIY FANLAR:  
MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

RESPUBLIKA  
ILMIY-AMALIY  
KONFERENSIYASI



**«INNOVATIVE ACADEMY» ILMIY TADQIQOTLARNI  
QO'LLAB-QUVVATLASH MARKAZI**

**«ZAMONAVIY DUNYODA AMALIY FANLAR: MUAMMOLAR  
VA YECHIMLAR» NOMLI № 03-SONLI ILMIY, MASOFAVIY,  
ONLAYN KONFERENSIYASI**

**ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI  
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ  
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5801308>

OpenAIRE



zenodo



innacademy.uz

## MUNDARIJA:

<b>НУТҚДАГИ АЙРИМ НУҚСОНЛАРНИНГ БОЛА РУҲИЯТИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ.....</b>	<b>5</b>
Элов Зиёдулло Сатторович .....	5
<b>THE IMPORTANCE OF MOTIVATION FOR LEARNING AND TEACHING A FOREIGN LANGUAGE .....</b>	<b>8</b>
Niyazova Feride .....	8
Elboyeva Madina .....	8
<b>THE IMPORTANCE OF LEARNING ENGLISH .....</b>	<b>11</b>
Berdiev Gulbahor Abdiqodirovna.....	11
<b>DIFFICULTIES OF TEACHING ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE .....</b>	<b>14</b>
Xadjayeva Durdona Xolmirza qizi .....	14
<b>DARAJALI QATORLARNING YAQINLASHISH RADIUSI VA SOHASI.KOSHI-ADAMAR FORMULASI,DARAJALI QATORLARNING FUNKSIONAL XOSSALARI.....</b>	<b>17</b>
Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li.....	17
Musurmonov Jahongir Nurislom o'g'li .....	17
<b>FUNKSIONAL KETMA-KETLIKLER VA QATORLARNING TEKIS YAQINLASHISHI. KOSHI KRITERIYSI.....</b>	<b>31</b>
Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li.....	31
Musurmonov Jahongir Nurislom o'g'li .....	31
<b>FURYE QATORI. FUNKSIYALARNI FURYE QATORIGA YOYISH.....</b>	<b>41</b>
Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li.....	41
Musurmonov Jahongir Nurislom o'g'li .....	41
<b>GRAFLAR USTIDA AMALLAR .....</b>	<b>49</b>
Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li.....	49
Musurmonov Jahongir Nurislom o'g'li .....	49
<b>TEYLOR QATORI. ELEMENTAR FUNKSIYALARINI DARAJALI QATORLARGA YOYISH.....</b>	<b>53</b>
Usmonov Maxsud Tulqin o'g'li.....	54
Musurmonov Jahongir Nurislom o'g'li .....	54
<b>ATROF MUHIT VA EKOLOGIYA .....</b>	<b>64</b>
Xidirova Xolida Baxrillaevna .....	64

## НУТҚДАГИ АЙРИМ НУҚСОНЛАРНИНГ БОЛА РУҲИЯТИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ

Элов Зиёдулло Сатторович

**Бухоро Давлат университети, Психология кафедраси ўқитувчisi,  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**Аннотация:** Мақолада бола шахсида нутқнинг ўрни ва нутқдаги айrim нуқсонларнинг руҳиятга психолоғик таъсири ҳақида фикр юритилиб, нутқий нуқсонларга сабаб бўлувчи айrim омилларга тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** экзоген, эндоген, эмбрион, мия чайқалиши, периферик бузилишлар, функционал бузилишлар, алалия, афазия, дизартрия.

**Аннотация:** в статье обсуждается роль речи в личности ребенка и социально-психологическое влияние определенных речевых дефектов на psyche с акцентом на некоторые факторы, приводящие к точечным дефектам.

**Ключевые слова:** экзогенный, эндогенный, эмбриональный, сотрясение мозга, периферические нарушения, функциональные нарушения, алалия, афазия, дизартрия.

**Resume:** The article discusses the role of speech in the personality of a child and the socio-psychological impact of certain speech defects on the psyche, with an emphasis on some factors leading to point defects.

**Key words:** exogenous, endogenous, embryonic, concussion, peripheral disorders, functional disorders, alalia, aphasia, dysarthria.

Болаларда нутқ бузилишини юзага келтирувчи сабаблар ичидаги, ташқи (экзоген) ва ички (эндоген) омиллар, шунингдек атроф-муҳитнинг ташқи шароитлари фарқ қилинади. Замонавий психологияда боладаги нутқий нуқсоннинг турли сабабларини кўриб чиқишида эволюцион-динамик ёндошилади. Бу нуқсоннинг юзага келиш жараёнини таҳлил қилишдан, аномал ривожланишининг умумий қонуниятларини ва ҳар бир ёш даврида нутқнинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олишдан иборатdir.

Шунингдек боланинг теварак-атрофидаги шароитни алоҳида ўрганиш талаб қилинади. Психик (шу билан бирга нутқий) жараёнларнинг шаклланишида биологик ва ижтимоий жараёнларнинг бирлиги принципи нутқий жараённинг ривожланишига нутқий муҳит, муомала, эмоционал алоқа ва бошқа факторларнинг таъсирини аниқлаш имконини беради.

Эшитиши нормал бўлган боланинг кар-соқов ота-она қўлида тарбияланувчи, сурункали касал бўлиб тез-тез касалхоналарда даволанувчи болаларда нутқнинг ривожланмай қолиши, оиласда узоқ вақт

давом этувчи руҳий шикастланиш ва икки тиллик болада дудуқланишнинг юзага келишига сабаб бўлиши нутқий муҳитнинг нутқ ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига мисол бўлади.

Бугун тиббиёт психологиясида болалардаги нутқий нуқсонларнинг асосий сабаблари сифатида:

1. Эмбрион ривожланиш давридаги турли хил патологиялар;
2. Ҳомиладорлик вақтидаги токсикозлар, вирусли ва эндокрин касалликлар, жароҳатлар, қоннинг резус-факторга мос келмаслиги;
3. Туғруқ вақтидаги шикастланиш ва асфиксия;
4. Бола ривожланишининг биринчи йилидаги бош мия касалликлари (менингит, энцофамит).
5. Миянинг чайқалиши билан бирга содир бўладиган бош мия жароҳатлари.
6. Наслий факторлар. Бундай ҳолларда нутқ бузилишлари умумий нерв система бузилишларининг бир қисмини ташкил этиб, интеллектуал ва ҳаракат камчиликлари билан бирга кузатилади.
7. Ижтимоий муҳитнинг ёмонлиги. Бу ҳолат ижтимоий педагогик қаровсизликка, вегетатив дисфункцияга, эмоционал-иродавий муҳитнинг бузилишларига ва нутқнинг ривожланмай қолишига сабаб бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар, айrim ҳолларда уларнинг биргаликда қўшилиб келиши нутқнинг турли томонларининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳамма нутқ бузилишлари келиб чиқишига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Органик характердаги нутқ бузилишлари.
2. Функционал характердаги нутқ бузилишлари.

Органик нутқ бузилишлари ўз навбатида маълум жойнинг зарарланишига кўра марказий ва переферик характерда бўлади. Марказий бузилишлар: марказий нерв системасини уёки бу қисмларининг бузилиши, зарарланиши натижасида келиб чиқади. Марказий характердаги органик нутқ бузилишларига: алалия<sup>1</sup>, афазия<sup>2</sup>, дизартрия<sup>3</sup> нутқ камчиликлари киради.

<sup>1</sup> [юнонча. a – инкор қўшимчаси ва lalia – нутқ] – бош мия катта ярим шарлари пўстлогидаги нутқ зоналарининг чала ривожланиши ёки зарарланиши сабабли болаларнинг тилга кирмаслиги ёки яхши сўзлай олмаслиги. Бола бошининг она қорнидалигига ёки туғилиш чоғида жароҳатланиши, гўдаклик даврида оғир касалликлар билан оғриши ва бошқа(лар) касалликка сабаб бўлади. Бунда бола нутқи узоқ вақт ривожланмайди: 5-7 ёшгача, айrim ҳолларда 10-12 ёшгача боланинг тили чиқмайди.

<sup>2</sup> [юнонча. a – инкор қўшимчаси ва phasis – фикр] – гапира олмаслик, сўзлаш қобилиятининг бузилиши. Афазияга бош мия пўстлок каватдаги нутқ марказининг ўзгариши сабаб бўлади. Мотор (ҳаракат) ва сенсор (сезиш) хиллар бор. Мотор афазияда бемор гапирмоқчи бўлгандан сўзларни топа олмаса, сенсор афазияда беморга қаратилган сўзлар маъносини англаб етмайди, ўз нутқини назорат қдолмайди. Бу ҳолат бош миянинг оғир касалликлари, ривожланувчи фалажлик ва ҳ. к. да учрайди.

<sup>3</sup> диз... ва юнонча arthroo – аниқ гапираман] – товуш чиқаришда иштирок этадиган мушаклар фаолиятининг бузилиши натижасида ноаниқ, ғулдираб гапириш.

**Перефериқ бузилишлар:** артикуляцион аппаратнинг нотўғри тузилиши ёки бузилиши ва перефериқ нерв артикуляцион органлар инервациясининг бузилишидан келиб чиқади. Перефериқ характердаги органик нутқ бузилишларига: ринолалия, прогнатия, прогения киради.

**Функционал бузилишлар:** бунда нутқ жараёнида иштирок этадиган аъзолар тузилишида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмайди. Функционал характердаги нутқ бузилишларига - дислалия, дудуқланиш каби нутқ нуқсонлари киради. Турли нутқ бузилишларининг ривожланишини олдиндан аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Агарда нутқий нуқсон боланинг мактабга келган вақтида илк бор аниқланса, у ҳолда уни тузатиш қийинчиликлари кузатилиб, ўзлаштиришга салбай таъсир кўрсатади. Агарда боланинг нутқ нуқсони мактабгача ёки ясли ёшида аниқланса, тиббий ва педагогик тузатиш мактабда тўлақонли таълим олиш имконини беради. Ривожланишида камчиликлар бўлган болаларни эрта аниқлаш ишлари биринчи навбатда «оилавий муҳити яхши бўлмаган» оиласда ўтказилади. Бундай оиласларга қуйидагилар киради:

1. У ёки бу нуқсонга эга бўлган бола бор оила;
2. Ота-оналарнинг бирида ёки иккаласида физиологик эшлиши бузилган, ақли заифлик, шизофрения касаллиги бор оиласлар;
3. Ҳомиладорлик вақтида юқумли касалликлар, оғир токсикоз ўтказган аёл бор оиласлар;
4. Эмбрионлик даврида гипоксияни, туғриқ вақтида асфексия, жароҳат ёки нейроинфекцияни бошидан кечирган, ҳаётнинг биринчи ойларида бош мия жароҳатлари олган бола бор оиласлар.

Бизнинг жамиятимизда она ва бола соғлигини сақлаш борасида узлуксиз равища чоралар кўрилмоқда. Шуларнинг ичида биринчй навбатда ҳомиладор аёллар диспансеризациясини, сурункали касалликлар билан оғрувчи, манфий резус-факторга эга аёлларни доимий равища касалхоналарда даволаш ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Нутқий ривожланишдаги нуқсонларнинг олдини олишда туғилиш вақтида шикастланган болаларни диспансеризацияси муҳим роль ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Логопедия”. Беккер К.П. Совак М. Москва 1981 й.
2. “Логопедия”. Л.Муминова, Л.Аюпова Т. 1993 й.
3. “Қобилиятнинг шахс психологиясидаги ўрни ва Даннинг-Крюгер эфекти”. З.С.Элов. // Pedagogik mahorat (Ilmiy nazariy metodik jurnal) 5/2021. 143-144
4. “Заикание” Тяпугин Н.П. Москва 1966